2011 йил 16 июнь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (11.928)

Баҳоси эркин нархда

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ:

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ

### ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2011 йил 14-15 июнь кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган ўн биринчи мажлиси якунларига доир

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши расмий дастури 15 июнь куни Мустақиллик саройида Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қирғизистон Республикаси Президенти Роза Отунбоева, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирокида тор доирадаги учрашувдан бошланди.

Мажлисда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболли йўналишлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатга оид долзарб масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Анъанага биноан мажлис кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари билан бирга, кузатувчи мақомидаги давлатлар делегациялари раҳбарлари – Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежод, Покистон Президенти Осиф Али Зардорий, Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Соманаҳалли Кришна, Мўғулистон Президенти маъмурияти раҳбари Баттулга Дашжамц, раислик қилувчи мамлакат меҳмони сифатида таклиф этилган Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай, шунингдек, БМТ, МДҲ, ОДКБ каби қатор халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Мажлис қатнашчилари ШҲТ маконида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш йўллари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Минтақавий масалалар, жаҳондаги воқеалар, жумладан, Афғонистондаги вазиятга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Президенти ШҲТнинг ўн йиллик фаолиятига баҳо берар экан, тарихан қисқа вақт ичида Ташкилот эътиборли ва нуфузли халқаро тузилма сифатида шаклланганини таъкидлади.

ШҲТ доирасида салмоқли шартномавий-ҳуқуқий пойдевор яратилди, унинг институционал асоси шакллантирилди, тузилмавий органлари барқарор фаолият кўрсатмоқда, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни изчил кенгайтириш ва ривожлантириш, транспорт-коммуникация алоқаларини фаоллаштириш таъминланмоқда. Булар Ташкилотнинг очиқлиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

«Шу муносабат билан ШҲТнинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қиладиган қуйидаги омилларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман, – деди Ислом Каримов. – ШҲТ, аввало, ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, бу ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама самарали ҳамкорликни ташкил этиш борасида қўйилаётган ва бажарилаётган вазифалар, бунинг учун зарур шартномавий-ҳуқуқий асосни шакллантириш ва ҳар бир мамлакат учун аҳамиятли бўлган йирик лойиҳаларни амалга оширишдир.

Учинчидан, ШҲТ давлатларнинг тенг ҳуқуқли бирлашмаси бўлиб, унинг фаолияти бошқа мамлакатларнинг манфаатларига қарши қаратилмаган ва қарама-қаршилик қиладиган блок хусусиятига эга эмаслиги яққол намоён бўлмоқда».

Мамлакатимиз раҳбари Ташкилот доирасидаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталар экан, бунда ШҲТ хартиясидаги мақсадлар, вазифа ва тамойилларга тўла мос равишда синовдан ўтган сиёсатни давом эттириш, «Шанхай жараёни»нинг барча иштирокчилари манфаатларига бирдек жавоб берадиган ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш устувор жиҳатлар эканини таъкидлади.

Президент Ислом Каримов ШҲТни янада муваффақиятли ривожлантириш аъзо давлатларнинг муайян амалий натижаларга эришишига, аввало, барқарор тараққиётни таъминлаш ва бутун минтақа мамлакатлари аҳолиси фаровонлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларига боғлиқ эканини қайд этди.

ШҲТ маконида истиқомат қилаётган халқлар ҳамкорликдаги фаолиятнинг самараларини аниқ мисолларда кўрсагина, ШҲТнинг мавқеи ва нуфузи янада ошади.

Ўзбекистон ШҲТ маконида миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш ва модернизация қилиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш, шунингдек, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ишларнинг амалга оширилиши ШҲТга аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Хитойнинг ШҲТ Тараққиёт банкини тузиш тўғрисидаги таклифи амалга оширилишини муҳим, деб ҳисоблайди. Бу Ташкилот доирасида социал-иқтисодий ва инфратузилмага оид устувор лойиҳаларни молиялаштиришнинг кўп томонлама механизмини шакллантиришга йўналтирилган, аъзо мамлакатлар олдида турган умумий вазифаларни янада самарали бажариш имконини беради.

Бу борада жорий йилнинг апрель ойида Ашхободда имзоланган Ўрта Осиё – Форс кўрфази янги халқаро транспорт йўлагини шакллантириш тўғрисидаги давлатлараро битимнинг ҳаётга жорий қилиниши муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Истиқболда бу йўлак ШҲТ маконини ерусти йўллари орқали Форс ва Уммон кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиёдаги вазиятга баҳо берар экан, дунёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хавф-хатарлар кучайиб бораётган ҳозирги шароитда минтақамиз ўз геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, бой табиий ресурслари туфайли жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида қолаётганини таъкидлади.

Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган уруш нафақат минтақамизда, балки бутун дунёда тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқда. Жаҳон ҳамжамияти барча чора-тадбирларни кўраётганига қарамай, таассуфки, бу ердаги вазият мураккаблигича қолмоқда.

«Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Деярли барча давлатлар, жумладан, афғон муаммосини ечишга жалб қилинган мамлакатлар раҳбарлари, шунингдек, бевосита Афғонистондаги коалиция кучлари ҳарбий қўмондонлиги ҳам бу ҳақда сўз юритмоқда, – деб таъкидлади Ислом Каримов. – Бизнинг қатъий фикримизга кўра, ўз мамлакатининг муаммоларини афғон халқининг ўзи ҳал этиши керак. Фақат қарама-қарши томонларни муросага келтириш, бу жараёнга афғонистонликларнинг ўзини жалб қилиш, шунингдек, жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан Афғонистонни социал-иқтисодий тиклаш орқалигина боши берк кўчадан чиқиш йўлини топиш мумкин. Бу ҳақда Ўзбекистон томони 2008 йилнинг апрель ойида Бухарестда баёнот берган эди. Биз Афғонистон келажагини тинч, барқарор ривожланаётган, атрофидаги мамлакатларга ҳеч қандай таҳдид солмайдиган давлат сифатида кўрамиз. Токи мазкур минтақада яшайдиган халқлар илгаригидек дўстона, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли муносабатларнинг имкониятларидан тўлалигича фойдалана олсинлар. Ўзбекистон бундан буён ҳам Афғонистонга нисбатан ўзаро миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда икки томонлама асосда яхши қўшничилик ва ҳамкорлик сиёсатини юритаверади».

Мажлисда томонлар ШҲТга аъзо давлатларнинг глобал ва минтақавий муаммоларга қарашлари кўп жиҳатдан ўхшаш эканини қайд этиб, ўзаро яқин ҳамкорликка тайёр эканликларини билдирдилар.

Саммит якунида ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўтган даврда ШҲТ фаолиятининг асосий натижалари ва ютуқларини, аъзо давлатларнинг минтақа ва дунёдаги бугунги вазиятга қарашларини, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва устувор йўналишларда ШҲТ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид долзарб муаммолар ечимига ёндашувларини акс эттирган Ўн йиллик декларацияси қабул қилинди.

Шунингдек, 2011-2016 йилларга мўлжалланган Антинаркотик стратегия ва уни бажариш бўйича Ҳаракат дастури тасдиқланди. Бу ҳужжатлар ШҲТ маконида наркотиклар билан боғлиқ таҳдидларни бартараф қилиш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

2010 йилда Тошкент саммитида тасдиқланган ШҲТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида Ташкилотга давлатларни қабул қилиш процедурасини тартибга солиш мақсадида ШҲТга аъзо мамлакат мақомини олиш учун ариза берган давлатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги намунавий меморандум имзоланди.

ШҲТга аъзо давлатларнинг ваколатли вакиллари томонидан Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу битим томонлар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни назорат қилиш, дори воситаларининг хавфсизлиги ва сифатини, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда ҳамкорликни назарда тутади.

Давлатимиз раҳбари анжуман якунларини сарҳисоб қилар экан, «барчамиз учун долзарб бўлган муаммолар юзасидан очиқ ва конструктив фикр алмашув натижалари ҳамда наркобизнесга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик ва ШҲТни кенгайтириш бўйича бугун қабул қилинган қарорлар Ташкилотга аъзо мамлакатлар хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган навбатдаги қадам бўлади», деб ишонч билдирди.

Саммит якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ШҲТ 10 йиллик фаолияти мобайнида, халқаро ва минтақавий вазият қанчалик жиддий ўзгарганига қарамай, барча синовларга муносиб тарзда дош бериб, аъзо давлатлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим механизми сифатида майдонга чиққани таъкидланди.

Саммитда ШҲТга раислик Хитой томонига ўтди. Давлат раҳбарлари Хитой Халқ Республикасининг ўз раислиги даврини ШҲТ маконида «Яхши қўшничилик ва дўстлик йили» деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Шу билан ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги «Мингўрик» маҳалласида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** «2519-автокорхона» очиқ акциядорлик жамиятида Маънавият ва тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбир «Тинчлик ва осойишталик — бебаҳо неъмат» мавзусига бағишланди.

✓ **ШАҲРИМИЗДА** ўтказилган «Битирувчи — 2011» тантанали маросимида Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасалари битирувчиларига диплом топширилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Қуйи палата депутатлари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, мутахассислар иштирок этган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил ва жорий йил биринчи чорагидаги ижросига оид ҳисобот кўриб чиқилди.**

**• Балиқчи туманидаги «Мадина-97» фирмаси чеварлари Республика Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Ўқув-таълим-таъминот» бош бошқармаси томонидан ўтказилган тендер танловида ғолиб чиқиб, 60 минг дона ўқувчилар сумкаси етказиб бериш бўйича буюртма олди. Мазкур корхона ўтган йили буюртма бўйича 40 минг дона ўқувчилар сумкаси ишлаб чиқарган эди. Корхона маҳсулотлари ўзининг бежиримлилиги, пишиқ-пухталиги, турдошларига нисбатан арзонлиги билан алоҳида ажралиб туради.**

**• Сурхондарё вилояти «Шўрчи мебель» корхонасида 210 миллион сўмлик модернизациялаш тадбирлари олиб борилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулот сифати тубдан яхшиланди. Ушбу лойиҳа банкнинг 150 миллион сўмлик кредити ҳамда жамоанинг 60 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди. 10 та қўшимча иш ўрни яратилган корхонада ҳозир ойига дизайни жиҳатидан хорижникидан қолишмайдиган 40 миллион сўмликка яқин мебель жиҳозлари тайёрланмоқда.**

**• Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги «Оқтошдон» корхонаси «Агробанк»дан олган 315 миллион сўмлик кредити эвазига замонавий нон цехини ишга туширди. Унда йилига 200 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрланади. Шунингдек, корхонанинг ўз имкониятлари ҳисобидан чорвачиликка ихтисослаштирилган ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, четдан 60 та зотли қорамол келтириб боқилмоқда. Ана шу янгиликлар эвазига корхонада қўшимча 26 та иш ўрни яратилди.**

### ЖАҲОНДА

**• АҚШнинг Аризона штатида давом этаётган ўрмон ёнғинлари кўлами тобора кенгайиб, талафотлари ортиб бормоқда. Хусусан, айни пайтга келиб табиий офатдан зарар кўрган майдон 1900 квадрат метрга етган. «Тилсиз ёв» ўнлаб уйларнинг кулини кўкка совурган. 11 минг нафар одам хавфсиз жойларга кўчирилган. Ўт ўчириш хизмати вакилларининг маълум қилишича, Аризона тарихида бундай катта талафотларга сабаб бўлган ўрмон ёнғинлари аввал кузатилмаган.**

**• Венесуэланинг Миранда штатидаги «Эл-Родео» қамоқхонасида тартибсизлик келиб чиқди, дея хабар тарқатди «Франс Пресс» ахборот агентлиги. Оқибатда 19 киши ҳаётдан кўз юмган, 20 нафарга яқин одам тан жароҳати олган. Қамоқхонада сақланаётганларнинг яқинлари ушбу воқеа ҳақида аниқ маълумот берилишини талаб қилишмоқда. Бу «Эл-Родео»да юз берган биринчи тартибсизлик эмас. 1999 йилда бу ерда содир этилган тўполонда 27 нафар маҳбус ҳаётдан кўз юмган эди.**

**• Яқинда Германиянинг «BMV» компанияси мазкур мамлакатда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида 500 миллион фунт стерлинг (562 миллион евро) миқдорида сармоя йўналтирди. Ушбу маблағ Буюк Британияда «Mini» русумидаги камхаражатли автомобиллар йиғишга сарфланади. Олдинроқ Япониянинг «Nissan» автоконцерни ҳам шу мақсадда 200 миллион евро миқдорида маблағ ажратганди. Буюк Британия автомобилсозлик саноатида 700 минг нафар маҳаллий аҳоли меҳнат қилади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 10 фоизи экспортга йўналтирилади.**

**• Эртага Санкт-Петербург шаҳрида бутунжаҳон иқтисодий форуми ўз ишини бошлайди.**

**• Перуда Президент сайловларининг якуний натижалари эълон қилинди.**

**• Грецияда янги ҳукумат таркиби шакллантирилади.**

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўтган қисқа муддат ичида бу борада қонунчилик асоси яратилди.**

Концепция: устувор вазифалар

# ЭКОЛОГИЯ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти қонуниятларининг бевосита тартибга соладиган янги қонунчилик негизини шакллантириб, доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган.

Кейинги йилларда қабул қилинган янги қонунлар асосида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида вужудга келган янги муносабатлар тартибга солина бошланди. Шу ўринда ҳуқуқий тартибга солишнинг изчил механизми ҳам яратилди. Аммо ушбу йўналишда ўз ҳуқуқий ечимини кутаётган масалалар ҳам етарлидир.

Давлатимиз раҳбарининг демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш таклиф қилинган.

Республикамиз экологик муҳитини барқарорлаштиришда аҳолининг кенг қатлами, яъни жамоатчиликнинг иштироки сезиларли бўлмоқда. Ҳозирги вақтда экологик ташкилотлар мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият юритади. Улар давлат органлари билан ҳамкорликда экологик таълим, маданият, умуман экологик ҳолат сифатини яхшилаш масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятини қуриш сари илдамлаб бораётган давлатимизда муҳим сифат белгиларидан бири бўлган жамоат бирлашмаларини кенг кўламда ривож топиши учун барча шароитлар яратилган. Шу билан бирга, жамият ривожланиши босқичларида ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга эҳтиёж ортиб бораётир.

Экологик назорат – бу табиий заҳиралардан оқилона фойдаланишни бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида қонунийликка аниқ ва оғишмай риоя қилиш ва фойдаланиш устидан кузатув олиб бориш фаолиятидир. Мамлакатимизда бозор муносабатлари шаклланиши, хусусий мулкчилик юзага келиши, янги хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлиши табиий ресурсларга бўлган эҳтиёж янада ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, экологик муҳит барқарорлигини таъминлаш учун экологик назорат фаолиятини такомиллаштириш заруратини вужудга келтиради.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасида экологик назорат тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат, деб белгиланса-да, экологик назоратни тўла-тўкис, ҳар томонлама ҳуқуқий тартибга солмайди.

Концепцияда атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрни белгиланиши илгари сурилган. Экологик назорат тизимида жамоат экологик назорати самарали фаолият юритаётган бўғим ҳисобланади. Чунки қайсидир ҳудудда экологик муаммо пайдо бўлса, даставвал шу жойдаги жамоатчилик бундан хабар топади, муаммони бартараф этишдан шу ер аҳолиси манфаатдор ҳисобланади. Шу маънода жамоат экологик назорати самарадорлиги белгиланади.

Республикамиз қонунчилик тизимида экологик назорат ва жамоат экологик назорати тўғрисида алоҳида қонун бўлмаса-да, бу борада айрим ҳуқуқий асослар яратилганлигини эътироф этиш жоиз. Масалан, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунларни жамоат экологик назоратининг ҳуқуқий асоси сифатида кўриш мумкин, лекин айнан назорат кўламини тўлиқ қамраб олмайди.

Шу боисдан экологик ҳолатни янада барқарорлаштиришга хизмат қиладиган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Янги қонун лойиҳасида жамоат экологик назоратини олиб борувчи субъектлар доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланиши, назоратни ўтказиш асослари, муддатлари, рухсат олиш тартиби мустаҳкамланиши, молиялаштириш тартиби аниқ кўрсатилиши, жамоат экологик назоратининг якуний хулосаларини кенг жамоатчиликка етказиш тартиби белгиланиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинадиган қонун аниқ, мантиқий изчилликда, кенг жамоатчилик вакиллари учун тушунарли тилда, декларатив ва шиор шаклидан холи тарзда бўлишига эришиш лозим.

**Матлуба МИРЗААБДУЛЛАЕВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди**
**Гўзал УЗОҚОВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Мамлакатимизда шаҳар йўловчи ташиш транспорти соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, йўловчи ташувчи хусусий транспорт фаолиятини кенгайтириш ҳамда транспорт хизмати кўрсатишда йўловчилар учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижросига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу хусусда сўз юритилди. Унда депутатлар, тегишли вазирликлар, автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси И.Насриев ва бошқалар 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонун ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори юртимизда транспорт хизмати сифатини ошириш, соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосини таъминлашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Қўмита депутатлари томонидан Урганч, Термиз, Фарғона шаҳарларида мазкур қонуннинг ижроси ўрганилди. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, Урганч ва Термиз шаҳарларида автобус, йўналишли такси ва таксилар, Фарғона шаҳрида эса автобус ва таксилар фаолият кўрсатаётгани, автобуслар ва йўналишли таксилар белгиланган ҳаракат жадвалига асосан, тасдиқланган тарифдаги ҳақ эвазига йўловчилар ташиш фаолияти билан шуғулланаётир.

Аҳоли учун сифатли транспорт хизматини ташкил этиш мақсадида йўллар таъмирланаётир. Йўловчиларнинг эҳтиёжи ўрганилиб, янги йўналишлар очилмоқда, автопарклар замонавий автобуслар билан тўлдирилмоқда.

Айни пайтда «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлашда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Автомобиллар таксометр (ҳисоблагич) билан жиҳозланмагани, Урганч, Термиз ва Фарғона шаҳарларидаги шаҳар йўловчи транспорти бошқармалари томонидан барча ташувчилар билан шартномалар тўлиқ тузилмагани, йўловчиларга хизмат кўрсатиш тартиби ва қоидаларини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани, ваколатли органлар томонидан йўловчилар ҳуқуқларини таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаётгани аниқланди.

Йиғилишда аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Геодезия, картография ва ер кадастри соҳасига замонавий инновацион технологияларни татбиқ этишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда депутатлар, тегишли вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар иштирок этди.**

# КАДАСТР ВА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИЯ

Ердан самарали фойдаланиш – юртимиз ободлиги ва дастурхонимиз тўкинлиги манбаи. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва давлат кадастрларини яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Э.Юсупов, Ўзбекистон Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси («Ергеодезкадастр») раисининг биринчи ўринбосари Т.Абдуллаев ва бошқалар мамлакатимизда мазкур соҳага замонавий технологиялар татбиқ этилаётгани, картография, геодезия ва ер кадастрининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги, инновацион технологиялардан кенг фойдаланилиши ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда давлат кадастрларининг ягона тизими яратилган. Геодезия, картография ва ер ресурслари соҳасида давлат кадастрини юритиш, кадастр объектларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Соҳанинг геодезия йўналишида 105, картография йўналишида эса 4 ташкилот лицензия асосида фаолият кўрсатмоқда. Ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, «Давлат кадастрлари тўғрисида»ги, «Геодезия ва картография тўғрисида»ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиз ҳудудидан халқаро транзит йўлларнинг ўтиши, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда янги темирйўллар ва автомобиль йўллари қурилиши маъмурий ҳудудларнинг сифат жиҳатидан янги, барча табиий ресурслар ва хўжалик объектларига оид баҳолаш ахборотини тайёрлашни тақозо этади. Бу эса ҳудудларни бошқариш, инвестиция фаолиятини амалга ошириш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманда замон талабларидан келиб чиқиб, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

**Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳаларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, Юртбошимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамиятга эга.**

Қарор ва ижро

# ҲАМ РАҒБАТ, ҲАМ ИМТИЁЗ

Ушбу қарор мазмун-моҳияти жиҳатидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлдириш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, инсонларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга қаратилган. Таъкидлаш керакки, унда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича янги ташкил этилаётган корхоналар фаолияти учун қулай шароитлар яратиш, жумладан, янги моддий-техника базасини барпо этиш ва мавжуд базани модернизациялаш юзасидан бинолар ҳамда ер участкалари ажратиш, барча зарур ҳужжатларнинг кадастр бўйича расмийлаштирилиб, қурилиш-капитал реконструкция қилишга рухсатномалар бериш бўйича бир қатор ишлар олиб бориляпти.

2012 йил 1 январгача бўлган даврда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга қуйидаги кўринишда солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари берилган:

Микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинган.

Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, ушбу қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришларни барпо этишга, шунингдек, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хом ашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан кредитларни тўлашга йўналтирилиши ҳамда берилган имтиёзлардан бўшайдиган маблағлар мақсадга номувофиқ фойдаланилган тақдирда, ушбу маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкцияларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг: ишлаб чиқарувчи корхоналарга — технологик ускуналар харид қилиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун; улгуржи савдо корхоналарига — маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозиқ-овқат истеъмол товарларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасидан ошмайдиган фоизли ставка бўйича белгиланган тартибда кредит бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорида (марказлаштирилган манбалар ва халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан берилган кредит ҳажмларидан ташқари) махсус кредит линиялари очиш тавсия этишлари белгиланган.

Жумладан, Учтепа туманида 2010 йил якунида жами 24 та хўжалик юритувчи субъект ушбу қарор имтиёзларидан фойдаланиб, ягона солиқ тўловидан имтиёз суммаси жами 778 463,2 минг сўмни ташкил этди. Қисқача айтганда, корхоналар ҳам рағбатлантирилиб, ҳам имтиёзларга эга бўляпти.

**Ойбек ҲАМИДОВ,**
**Учтепа туман ДСИ «Камерал назорат» бўлими бошлиғи**

Иқтисодиёт

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юртимиз иқтисодиёти ривожидаги ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжига нисбатан тез мослаша олиши янги иш ўринлари яратиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, экспорт ҳажми ошишида ўрни катталиги сир эмас.**

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Моян-тек қўшма корхонаси соҳадаги шаклланаётган соғлом рақоб муҳити туфайли фаолияти давомида ўз маҳсулотлари била нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топиш интилаётганлиги боис ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормо да. Россиялик ҳамкорлар билан шерикликда иш юритаётга қўшма корхонада бир йиллик ўртача айланма маблағ ҳажм 1.500 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этади. Тайёрлан ётган маҳсулотнинг маълум қисми қўшни давлатларга эк порт қилинаётгани корхона муваффақиятидан далолатдир.

Корхона хорижий, юксак унумли дастгоҳ ва ускунала билан жиҳозланганлиги боис, маҳаллий хом ашёдан тр котаж кийим-кечаклар ишлаб чиқаришда яхши натижа ларга эришмоқда. Уларнинг харидоргирлигини таъми лашда ҳозирда 70 нафардан зиёд малакали ишчи-хизма чи — қўли гул тикувчи, моҳир модельер-дизайнчиларни доимий изланишлари қўл келмоқда.

Кийим-кечаклар мавсумий тикилади. Уларга ранглар ал ҳида танланади, бунда матонинг сифатига бевосита эътиб қаратган ҳолда иқлим ўзгаришлари, инжиқ об-ҳаво ҳисоб олинади. Мижознинг хоҳиш-истаги асосида корхонани етакчи мутахассислари янги лойиҳаларни тавсия этишад Эртанги кунини бугун яратишга интилаётган қўшма корхон жорий йил бошидаёқ бир нечта фирмали дўконни иш туширмоқчи, ички ва ташқи бозор ҳам чуқур ўрганилмоқда

# ЙИЛ САЙИН ЮКСАЛМОҚДА

**Мамлакатимизда иқтисодиётнинг турли соҳалари бўйича халқаро сифат сертификатига эга корхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Боиси, сертификатлаш ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.**

«Электроизолит» қўшма корхонаси ҳам Ўзбекистонни энергетика тармоғида фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтга йили корхонага ISO 9001:2009 халқаро сифат стандарт ларига мувофиқлик сертификатлари топширилди. Мазку қўшма корхона 13 йилдан буён энергетика саноати объек лари, нефть-газ ва кимё саноатида қўлланиладиган ас сий ҳамда ёрдамчи ускуналарни таъмирлайди, қурили материалларини ишлаб чиқаради.

— Ҳозирга келиб, корхонамиз 15 бўлимдан иборат, дейди «Электроизолит» қўшма корхонаси техник дирек тори Сергей Токунов, иссиқлик ўтказмайдиган буюмла ўт ва кислотага чидамли ғишт ишлаб чиқарадиган иккит завод ҳамда профилланган лист ва лок-бўёқ маҳсулотла ри тайёрлайдиган участкалар ишга туширилган.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мамла катимиз ва унинг ташқарисида энергетика, халқ хўжали гининг бошқа кўплаб тармоқларида кенг қўлланилаётган уларнинг юқори сифати ва харидоргирлигидан ёрқин да лолатдир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бозор иқтисодиёти талабла ридан келиб чиққан ҳолда қўшма корхонада модерниза ция ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида, маҳсулот турларини кўпайтиришда, янги лойиҳаларни ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда. Сид қидилдан меҳнат қилиб, корхона муваффақиятини таъ минлашга ҳисса қўшаётган ишчи-хизматчилар жорий йил нинг 9 ойи мобайнида 2,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Эътиборли томони, маҳаллийлаштириш дастури доирасида кислотага чидамли ва қоплама ғишт ишлаб чиқариш ўзлаштирилган. Янги лойиҳалар асосида қўшма корхонада ишлар давом эттирилмоқда.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Таълим

# ТАДБИРКОРЛИК МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

**Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи пойтахтимиздаги нуфузли таълим масканларидан бири саналади. Қарийб 11 йилдан буён фаолият юритиб келаётган коллежда айни пайтда мингга яқин талаба тикувчилик, кийимларни лойиҳалаштириш, молия, бухгалтерия йўналишларида касб-ҳунар сирларини ўрганиб келишяпти.**

Бу борада уларга 20 нафар таълим устаси ва 40 га яқин ўқитувчи-педагоглар яқиндан ёрдам беришади. Айни пайтда коллежни 320 нафар ўғил-қиз битириб, катта ҳаётга йўлланма олиш арафасида турибди.

Яқинда коллежда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тадбир ўтказилди. У таълим масканининг учинчи босқич ўқувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш масаласига бағишланди. Унда ўқувчилар мазкур соҳа юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, мутахассислар томонидан амалий тавсияларни олдилар.

— Ушбу тадбир тадбиркорлик соҳасида фаолият юритиш ниятида бўлган ўқувчиларимиз учун айни муддао бўлди, десак янглишмаймиз, — дейди таълим масканининг Ижтимоий фанлар кафедраси мудири Машкура Миртолипова. — Ёшлар ишбилармонлик фаолиятини бошлаш учун энг аввало нима қилиш керак, бу соҳада муваффақиятли иш юритиш учун тадбиркор қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги хусусида қизиқарли ва қимматли маълумотларга эга бўлишди.

**Гулнора СОАТМУРОДОВА,**
**коллеж ўқитувчиси**

